

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими
бюджетларининг газна ижроси қоидаларига
8-ИЛОВА

2022 й. «6» Январь “Давлатбод электр тармоқлари корхонаси” ва Ободонлаштириш
бошқармаси ўртасида 81 000 000 сўм умумий суммага тузилган 15603413-сонли шартномага

ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ*

Боб 110

Шахсий газна ҳисобварақ 100022860144017064100110001

(сўмда)

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури**		Жами
	Кичик бўлим 100	(бюджет таснифининг тегishли коди)	
	Боб 110
	Модда 42-21-000
Январь	27 000 000		27 000 000
Февраль	27 000 000		27 000 000
Март	27 000 000		27 000 000
Апрель			
Май			
Июнь			
Июль			
Август			
Сентябрь			
Октябрь			
Ноябрь			
Декабрь			
Жами йил бўйича	81 000 000		81 000 000

Жами 81 000 000 (Саксон бир миллион) сўм.

Юқоридаги кўрсатилган суммадан сўм сўз билан сўм ёки шартноманинг умумий суммасидан %***

2022 йил _____ ойда тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томондан газначилик бўлимининг икки нусخада тақдим этилади.

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади.

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойга % жорий ойнинг санагича ҳар ойда олинган тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томондан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва конун хужжатларида назарда тутилган ҳар би доний равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олинган тўловни яншига ошириш ҳошарида тўлдирилиши).

Буюртмачи раҳбари

М.У.

Буюртмачи бош бухгалтери

Х.Қазақбаев
Ф.И.О.

А.Джўраев
Ф.И.О.

Газначилик бўлиминининг

ҳодими қабул қилди

20 _____

20 _____ й.

Буюртмачи ҳодими қабул қилди

« _____ »

“ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ” АЖ
“НАМАНГАН ХУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ
КОРХОНАСИ”

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

ЮРИДИК ВА ЮРИДИК МАҚОМГА ЭГА БЎЛМАГАН
ТАДБИРКОР ИСТЕЪМОЛЧИЛАР УЧУН

ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ

Ш А Р Т Н О М А С И

№ 15603413

Наманган шаҳар Ободонлаштириш
бошқармаси

АБ № 324

(корхона, ташкилот, муассаса номи)

Наманган шаҳар 2022 йил.

Юридик ва юридик мақомга эга бўлмаган тадбиркор истеъмолчилар учун

ШАРТНОМА

2022 йил "6" январь

15603413-сонли

Наманган шаҳар.
"Давлатобод" электр тармоқлари корхонаси "Бош ишончнома" асосида фаолият юргувчи раҳбари Э.Валиханов (кейинги ўринларда "Етказиб берувчи" деб аталади) бир томондан ҳамда Низом асосида фаолият юритувчи Наманган шаҳар Ободонлаштириш бошқармаси раҳбари Х.Казакбаев (кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб аталади), иккинчи томондан мазкур шартномани қўйидагилар тўғрисида туздилар (Халқ депутатлари Наманган шаҳар кенгашининг 2021 йил 22 июлдаги VI-31-32-6-91-К/21-сонли қарори талаблари асосида):

I. Шартнома предмети.

Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда **Шартнома** деб аталади) мувофиқ, Етказиб берувчи Истеъмолчига электр энергиясини (кейинги ўринларда **энергия** деб аталади) уланган тармоқ орқали етказиб бериш ва Истеъмолчи истеъмол қилинган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

II. Етказиб берилган энергияни ҳисобга олиш.

2.1. Энергия истеъмолчининг йиллик шартномавий ҳажми:

Актив 180 000 кВт.с. реактив _____ кВтар.с

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг шартнома тузилган кундаги умумий нархи **1 000 000,0 (саксон бир миллион) сўмни, тариф(лар) бўйича 450** ташкил этади. **Тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдан ПК-3379-сонли қарорнинг рўйхатида ўрсатишган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим мизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун (керрактинг зилсин)**

2.3. Истеъмолчига етказиб бериладиган энергиянинг ойлар кесимидаги йиллик ҳажми ушбу Шартномага 1-иловада келтирилган.

2.4. Истеъмолчи томонидан олинган энергиянинг ҳақ тўланадиган ҳақиқий миқдори ушбу Шартномага 2-иловада назарда тутилган ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида ниқланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (маиший истеъмолчилардан ташқари). Электр энергиясини ҳисобга олиш приборлари, шунингдек электр энергиясини ҳисобга олишнинг бошқа воситалари истеъмолчининг маблағлари ҳисобига сотиб олинади, давлат кўрсаткичидан ўтказилади, Етказиб берувчи томонидан Бюро билан ҳамкорликда бепул ўрнатилади, пломбаланади ва рўйхатдан тақазилади.

III. Ҳисоб-китоб қилиш тартиби.

3.1. Энергия учун ҳисоб-китоблар табақалаштирилган, бир ставкали ёки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 ноябрдаги "Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПК-3379-сонли қарорининг иловасига асосан тасдиқланган рўйхатда кўрсатилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи истеъмолчилар учун амалга оширилади.

3.2. Уланган қуввати 750 кВт ва ундан ортиқ бўлган Истеъмолчи (бюджет ташкилотлари, сув таъминоти ташкилотлари, фермер хўжаликлари ва сув истеъмолчилари уюшмаларининг насос анциялари, шунингдек Давлат бюджетидан молиялаштирилган насос станциялари бундан сўрамаганда) Энергия учун ҳисоб-китобларни суўта вақтларининг табақалаштирилган тариф буйича амалга оширади.

Истеъмол қилинган энергия учун табақалаштирилган тариф бўйича ҳисоб-китоблар:

ярим тигиз пайт – сутканинг ёруғ вақтида (соат 9⁰⁰ дан 17⁰⁰ гача) – белгиланган тариф бўйича,

тигиз пайт – энг катта юкламали соатларда (ягона электр энергетика тизимининг энг катта юкламали соатлари: эрталабки энг катта микдор соат 6⁰⁰ дан 9⁰⁰ гача, кечки энг катта микдор соат 17⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача) белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар микдорда ўсувчи коэффициентни қўллаш орқали;

тунги пайт – сутканинг қолган вақтида (энг кам юкламали соатларида: 22⁰⁰ дан 24⁰⁰ гача ва 00⁰⁰ дан 6⁰⁰ гача) – белгиланган тарифга нисбатан 1,5 баравар камовчи коэффициентни қўллаш орқали амалга оширилади.

Белгиланган тариф II-тариф гуруҳи бир ставкали истеъмолчиларга қўлланиладиган тарифга тўғри келади.

Табақалаштирилган тариф қўлланилмайдиган Истеъмолчига нисбатан энергия учун ҳисоб-китобларда бир ставкали тариф қўлланилади.

Уланган қуввати 750 кВт гача бўлган, электр энергиясини реализация қилишда нархни шакллантиришнинг алоҳида тартиби белгиланмайдиган ташкилотлар рўйхатига киритилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи Истеъмолчилар учун тўловлар Хукумат қарори билан белгиланмайдиган тарифлар бўйича амалга оширади.

3.3. Турли хил тариф гуруҳларига мансуб истеъмолчи битта электр таъминоти манбаидан электр билан таъминланганда, ҳисобга олиш приборлари ҳар бир тариф гуруҳи учун алоҳида ўрнатилади.

Истеъмолчи томонидан алоҳида ҳисобга олиш приборлари ўрнатиш рад қилинган тақдирда, электр энергияси учун тўловлар фойдаланаётган энг юқори тариф гуруҳи бўйича ҳисоб китоб қилинади.

3.4. Мазкур шартнома бўйича Истеъмолчи ва Етказиб берувчи орасидаги ҳисоб-китоб даври бир ой ҳисобланади.

3.5. Истеъмолчи ҳисоб-китоб даври тугагандан сўнг Етказиб берувчини ваколатли вакили билан биргаликда ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини ҳар ойда ёзиб олади ва ушбу Шартноманинг 3-иловасига мувофиқ шаклда энергия сарфи бўйича ҳисобот тузади.

Истеъмолчи Етказиб берувчига энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни ўз кўли билан, факсимил, электрон ёки почта алоқаси орқали ҳар ойнинг "31" санасигача тақдим этади.

Бунда, уланган қуввати 750 кВт ва ундан юқори бўлган тўловларни табақалаштирилган тарифда амалга оширадиган Истеъмолчилар бўйича энергия сарфи бўйича ҳисоботда ишлатилган электр энергия (актив ва реактив) тўлиқ ҳажмидан ташқари тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтларда фойдаланилган энергия ҳажмлари алоҳида кўрсатилиши шарт.

3.6. Тарифлар ўзгарганда Истеъмолчи етказиб берилётган энергия учун янги тарифлар киритилган кундан бошлаб янги тарифлар бўйича ҳақ тўлайди.

3.7. Энергия учун амалдаги тарифлар ўзгарган тақдирда, Етказиб берувчи уларнинг кучга киришидан камида ўн беш кун олдин қарорни оммавий ахборот воситаларида эълон қилади.

Бунда электр энергияси учун тарифлар ўзгарган санадан қатъий назар, электр таъминоти шартномаси ўз кучида қолади ва истеъмолчи фойдаланилган электр энергияси учун янги тариф кучга кирган кундан бошлаб ҳақ тўлашга мажбурдир.

Тариф ўзгарган тақдирда, истеъмолчилар Энергия (шу жумладан, актив ва реактив энергия)нинг аванс тариқасида тўланган ҳажми учун тўлов кундан бошлаб кейинги 1 ойдан ортиқ бўлмаган муддатда кўшимча тўлов тўлашдан озод этилади.

Арифметик хатоликлар, тарифларни ногўтри қўллаш туфайли пайдо бўладиган кам ва ортиқча тўловлар тегишли тариф бўйича кВт соатларда қайта ҳисоблаб чиқилади ва Етказиб берувчи томонидан даъво муддати доирасида кўрсаткичлардаги тафовут ёки кўшимчалар билан биргаликда ҳисобга олинади.

3.8. Истеъмолчига энергияни етказиб бериш келгуси ҳисоб-китоб даври бошланишидан олдин энергиянинг шартномавий миқдори қиймати учун олдиндан юз фоизлик (100%) ҳақ тўлаш асосида амалга оширилади. Бунда, ҳисоб-китобни 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида амалга ошириш хоҳишини билдирган истеъмолчилар ҳисоб-китоб амалга ошириладиган даврни кўрсатиб ҳисоб-

киреб даври бошланишидан камидан 5 кун олдин билдирги тартибда Етказиб берувчига мурожаат қилганлари тақдирда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаш асосида етказиб берилишига йўл қўйилади. Олдиндан ҳақ тўланмаган ҳамда 50 фоиз олдиндан ҳақ тўлаётган истеъмолчилар томонидан ойнанинг охиригача якуний ҳисоб-китоб амалга оширилмаган ҳолларда мазкур истеъмолчига нисбатан электр тармоқларидан тўлиқ узишгача бўлган чоралар кўрилади.

3.9. Истеъмолчи уланган қувватидан катъий назар, крипто-актив ва майнинг соҳасида фаолиятни амалга оширганда (турли криптовалюталарда янги бирликлар ва комиссия йиғимлари форматида мукофот олиш имконини берадиган тақсимлаш платформасини таъминлаш ва янги блоklar яратиш бўйича фаолият) фойдаланган электр энергияси учун тўловларни тегишли тариф гуруҳига асосан белгиланган тарифга нисбатан 3 баробар ўсувчи коэффициентта мувофиқ тўлайди. *(У.Р. Вазирлар Маҳкамасининг 09.12.2019 йилдаги 979-сонли қарорига асосан мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан ушбу ўзгариш қўйилад)*

3.10. Етказиб берувчи энергия сарфи тўғрисидаги ҳисобот асосида белгиланган тартибда ҳисоб-китобни амалга оширади ҳамда беш кун ичида тўлов амалга оширилиши лозим бўлган ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини ёзиб беради.

Истеъмолчи турли тариф гуруҳларига тегишли бўлган бир нечта объектга эга бўлса, ҳар бир тариф гуруҳи учун тариф сарфлаган ҳажми кўрсатилган ҳолда умумий ҳисоб-фактура ёзилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.06.2019 йилдаги 522-сонли қарорига мувофиқ Етказиб берувчи томонидан махсус дастурий маҳсулот орқали ҳисоб-фактура ва тўлов ҳисоб-варағини электрон ҳисобварақ-фактура шакллантирилади ҳамда солиб олувчи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган ҳолда электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда, оператор орқали роуминг операторига юборилади.

3.11. Ҳисобга олиш прибори ушбу Шартномага 4-иловага мувофиқ, электр тармоқларининг мансублик баланси бўйича масъуллик чегараси далолатномаси ва томонларнинг эксплуатация жавобгарлиги асосида аниқланадиган электр тармоғининг мансублик баланси чегарасида ўрнатилмаганда, чегарадан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган участкада энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми Истеъмолчи билан биргаликда ҳисоблаш йўли орқали аниқланади ва ушбу шартномага 5-иловага мувофиқ далолатномада кўрсатилади.

Бунда, 750 кВА ва ундан юқори қувватга уланган, табақалаштирилган тарифда тўловларни амалга оширадиган Истеъмолчи учун энергиянинг технологик сарфланиш ҳажми сутканинг тигиз, ярим тигиз ва тунги пайтлари учун алоҳида аниқланиб, мутаносиб равишда жами олинган электр ҳажмининг тегишли пайтларига тўлов ҳажмини ёзиш учун қўшиб борилади.

3.12. Истеъмолчи энергиянинг сарфланиши тўғрисидаги ҳисоботни Шартномада кўрсатилган муддатда тақдим этмаган тақдирда, Етказиб берувчи энергия истеъмолининг шартномада қайд этилган миқдори бўйича ёки ўтган давр учун ҳақиқатдан истеъмол қилинган электр энергияси тўғрисидаги маълумотлар асосида тўлов ҳисоб-варағини ёзади ва Истеъмолчининг шахсий ҳисоб рақамидан бу ҳақда тегишли белги қўйилади.

Етказиб берувчи ҳисоблаш приборидан кўрсаткичларни назорат тартибда ёзиб олгандан кейин, амалда истеъмол қилинган электр энергияси учун қайта ҳисоб-китобни белгиланган тартибда амалга оширади.

3.13. Истеъмолчининг энергия ҳажмини тўлаш, реактив энергия компенсацияси тарифга устамалар, шунингдек ҳисобга олинмаган энергияни, (ноқонуний фойдаланилган электр энергияси) қайта ҳисоб-китобни ва пеня бўйича қарин бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари қарзини қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови (олдиндан ҳақ тўлаш) сифатида ҳисобга олинмайди.

Истеъмолчи томонидан Шартномада кўрсатилган электр энергияси ҳажмини тўлиқ истеъмол қилмаган тақдирда, аванс тариқасида тўланган маблағлар қайтариб берилмайди ва электр энергия учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинмайди.

Ҳисоб-китоб олдидан кейинги календар ой тугаган қарздорлик тўлов муддати ўтган деб ҳисобланади ва тўлов муддати ўтган ҳар бир кун тўлов муддати ўтган сумманинг

0,1 фоизи миқдоридан, электр энергияси махсус тартибда етказиб бериладиган қорхоналар учун эса 0,2 фоиз миқдоридан пеня ҳисобланади. Бунда пенянинг умумий миқдори, муддати ўтган тўловларнинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Етказиб берувчи томонидан электр энергия етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, электр энергия Етказиб берувчи Истеъмолчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурийат бажарилмаган қисмининг 0,5 фоиз миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилган электр энергияси, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбурийатларини бузган тарафни электр энергия етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизмат кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

3.14. Шартномада ҳисоб-китоб даври учун кўрсатилган энергия миқдоридан 5 фоиздан ортиқ миқдорда энергия истеъмол қилганда, Истеъмолчидан Шартномада кўрсатилган миқдордан ортиқ ортиқ истеъмол қилинган энергияси жами ҳажми учун белгиланган тарифнинг 1,15 баравари миқдоридан тўлов ундирилади.

3.15. Истеъмолчи ва Етказиб берувчи ҳар ойда, ҳисоб-китоб даври тамом бўлгандан кейин беш кун мобайнида ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномасини тузади.

3.16. Истеъмолчининг куйидаги ҳолларда электр тармоқларидан узилади:
шартномавий мажбурийатлари бажарилмаганда;
ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги оқибатида фойдаланилган энергия учун қарздорлик мавжуд бўлганда;

Бюро талабномалари бажарилмаганда, шу жумладан, унинг вакилларига ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини олиш учун руҳсат этилмаганда;

электр тармоқларига ноқонуний улаиш, уларни талон-торож қилиш ёки электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузишнинг бошқа ҳолатлари аниқланганда;

Энергияни ҳисобга олиш приборларини қасддан бузилганда, кўрсаткичларни ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашилганда.

3.17. Ҳисобга олинмаган энергия учун амалга оширилган қайта ҳисоб-китоб, Истеъмолчининг қонуни ҳужжатларида белгиланган тартибда Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарликдан озод этмайди.

3.18. Истеъмолчи томонидан қондабузарлик ҳолати баргараф этилиб, мавжуд қарздорлик ва тўлов пайтидаги энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан тўлов ундирилгандан сўнг тармоққа қайта уланади (ЭНХАТга уланган истеъмолчилар бундан мустасно).

3.19. Истеъмолчи электр тармоқларининг техник ҳолатини таъминлаш бўйича эксплуатация харажатлари учун субистеъмолчилар, истеъмолчи билан субистеъмолчи ўртасида тузилган алоҳида шартнома бўйича Энергиянинг умумий ҳажмидан олинмаган улушга мутаносиб равишда ҳақ тўлайди.

Эксплуатация харажатларини субистеъмолчига бериладиган электр энергияси тарифига қўшишга руҳсат этилмайди.

3.20. Энергия учун тўлов тарифлари куйидаги ҳолатларда маиший (аҳоли) истеъмолчилари учун белгиланган тарифга тенглаштирилади:

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги ЎРҚ-327-сонли қонунига мувофиқ “Оилавий қорхона турар жойдан бир вақтнинг ўзида унда истиқомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, Истеъмолчи Энергия учун маиший (аҳоли) тарифи бўйича тўловни амалга ошириди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 августдаги “Дин соҳасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида”ги 364-сонли қарорининг 3-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси

эксплуатация қилаётган электр тармоқлари, приборлар, электр қурилмаларининг зарур техник ҳолатини сақлаш, шунингдек, электр қурилмаларни эксплуатация қилишда хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш, Корхонага электр ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар бериш:

электр энергиясидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

Бюро ва "Ўзэнергоспеццияси" кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш;

Электр қурилмаларининг тузилиши қоидалари талабларини бажариш;

Бюро ва Етказиб берувчи вақилнинг ҳисобга олиш приборларини кўздан кечиришига белгиланган тартибда рухсат бериш;

Йил мобайнида янгидан ишга тушириладиган электр қурилмаларидан фойдаланиш бошланишидан қаида бир ой олдин энергиянинг зарур миқдори учун Етказиб берувчига буюртманома бериш;

келгуси йил учун энергияга бўлган эҳтиёжни аниқлашда энергияни электр тармоқларидан узатишда, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига, ишлаб чиқариш бинолари ва маъмурий биноларни ёритиш, иситиш, шамоллатиш учун электр энергия сарфини, шунингдек, ушбу электр тармоқларига уланган субистеъмолчиларнинг эҳтиёжини ҳисобга олиш.

Шунингдек, уланган қуввати 5 МВт ва ундан ортик бўлган Истеъмолчи, Етказиб берувчи талабига асосан куйидаги маълумотларни тақдим этишга мажбур:

истеъмол қилинаётган қувватнинг ҳар суткалик, ҳар ойлик сарфи ва амалдаги миқдори,

энергетика тизимининг энг кўп ва энг кам юкламали давлрларида реактив энергия ва қувватнинг ҳар суткалик сарфи,

энергетика тизимининг энг кўп юкламасининг ўтиш даврида актив энергия (куват)нинг ҳар 30 дақиқадаги сарфи.

Бундан ташқари, уланган қуввати 250 кВа ва ундан ортик бўлган истеъмолчилар куйидагиларга мажбур:

маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш (ишларни амалга ошириш) учун Энергия сарфининг техник ва иқтисодий жиҳатдан асосланган илгор нормаларини ишлаб чиқиш-умумий ишлаб чиқариш ва технология; яқка тартибдаги ва гуруҳ бўйича; йиллик, чораклик ва ойлик - уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш технологияси тақомиллаштирилиши (ўзгартирилиши) ва янги техника жорий этилишига қараб қайта кўриб чиқиш;

корхона бўйича, шу жумладан кўп энергия сарфлайдиган ускуналар, цехлар ва истеъмолчилар гуруҳлари бўйича Энергия балансларини тузиш ҳамда улар асосида ишлаб чиқариш жараёнларида электр энергиясидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиш, Энергиянинг самарасиз сарфланиши ва исроф бўлишини аниқлаш, уларни камайтириш ва баргараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

келгуси давр учун Энергияга бўлган эҳтиёжни ва электр тармоқларининг энергия ўтказиш қобилиятини ошириш, электр таъминоти схемаларини тақомиллаштириш заруриятини аниқлаш мақсадида, (маҳсулот ишлаб чиқаришининг, бажариладиган иш турларининг мўлжалланаётган протноз ҳажмларидан ва Энергия сарфи меъёрларидан келиб чиқиб, уларни камайтириш ва Энергияни тежашни ҳисобга олган ҳолда) Энергиянинг бир йил ва келгуси давр учун балансларини тузиш;

маҳсулот (ишлар) бирлигига Энергия сарфининг тақдидланган меъёрларига риоя қилиш ва уларни камайтириш бўйича белгиланган тадбирларнинг бажарилишини таъминлаш;

Энергияни тежаш бўйича (йиллик ва узок истикбол учун) ташкилий-техник тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.3. Етказиб берувчи куйидаги ҳуқуқларга эга:

Завирлар Маҳкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги 525-ф сонли Фармойишига кўра ҳудуддаги диний ашқилоллар Энергия учун маиший (аҳоли) тарифи бўйича ҳақ тўлайдилар.

3.21. Истеъмолчининг ҳисобга олиш прибори куйидаги текширувлардан ўтказилади:

а) даврий қиёслаш-ушбу турдаги ҳисобга олиш приборининг қиёсловдан ўтказиш оралиги ҳудудати тутаганда;

б) навбатдан ташқари қиёслаш -ҳисобга олиш приборига зарар етказилганда, пломбаеси бузилганда, қайта дастурлаш зарурияти юзага келганда;

в) эксперт қиёслаш-ҳисобга олиш приборининг созилиги, унинг фойдаланишига яроқчилиги, шунингдек, метрологик хусусиятларининг норматив ҳужжатлари талабларига мослиги бўйича низоли масалалар юзага келганда.

3.22. Энергияни ҳисобга олиш приборларини ечиш, қиёслашдан ўтказиш ва ўрнатиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 20 августдаги 698-сонли қарори талабларига мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ҳисобга олиш приборини даврий қиёслаш "Ўзстандарт" агентлиги томонидан белгиланган ҳудудда истеъмолчи ҳисобидан ўтказилади. Қиёсловдан ўтказиш оралиги тўрт йилни ташкил этади.

3.23. Навбатдан ташқари ва эксперт қиёслашлар Етказиб берувчи ташаббуси билан ёки бошқа ҳақоқатли орган қарорига асосан ўтказилади ва қиёслаш хизматларини Етказиб берувчи томонидан ўланади.

IV. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

4.1. Истеъмолчи куйидаги ҳуқуқларга эга:

Етказиб берувчидан Шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини кўрсатилган даражада бажарилишини талаб этиш;

ўз электр қурилмаларини Етказиб берувчи электр тармоқларига техник шартларга мувофиқ, ўрнатилган тартибда улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлган электр энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб беришнинг тўхталishi ёки тўхтатиб қўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

Етказиб берувчига истеъмол қиладиган энергия ҳажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда тақлифлар киритиш. Бунда энергиянинг Шартномадаги ҳажмини ўзгартириш бўйича тақлиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) Етказиб берувчи ва Бюрога тақдим этиши лозим;

Етказиб берувчидан электр энергияси тўлик ҳажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофиқ бўлмаган электр энергия етказиб берилиши ҳақиқатида етказилган зарарни белгиланган тартибда қоплаишини талаб қилиш;

Шартномани қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор қилиш;

Шартнома бекор қилганда фойдаланилмаган энергия миқдори учун тўланган маблағни қайтарилишини талаб қилиш;

энергия етказиб берилиши тўхтатилганда етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

электр таъминоти Шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келаётган низоларни ҳал этиш учун Наманган туманлараро Иқтисодий судига ёки бўйсунувчи бўйича юқори органга (мансабдор шахсга) мурожаат қилиш.

Истеъмолчининг электр тармоқларидан сабабсиз ва асоссиз узилгандан кейин юзага келган ҳолатлар учун Етказиб берувчи ва Бюрони жавобгарлигини талаб этиш.

Истеъмолчи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4.2. Истеъмолчи куйидагиларга мажбур:

белгиланган энергия истеъмоли режимида риоя этиш;

фойдаланилган энергия учун ўз вақтида ҳақ тўлаш;

Истеъмолчилар Шартномада белгиланган ўз мажбуриятларини кўрсатган даражасида бажарилишини талаб этиш;

Ушбу шартнома шартлари бажарилмаганда ёки бузилганда Истеъмолчи томонидан отказилган амалдаги зарарни белгилаган тартибда қоплатиш;
авария режимида, Бюрони хабардор қилган ҳолда, Истеъмолчини электр тармоғидан узиб қўйиш;

Бюронинг кўрсатмасига асосан, ҳамда ЭНХАТга уланган ёки энергияга олдиндан ҳақ тўлаш қурилмасига эга ҳисобга олиш прибори бўлган истеъмолчини олдиндан тўланган ҳақ тугаганда электр тармоқларидан узиш.

Етказиб берувчи қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Мазкур Шартномага асосан Истеъмолчини электр тармоқларидан узиладан кейин юзага келган ҳолат учун Етказиб берувчи ва Бюро жавобгар бўлмайди.

4.4. Етказиб берувчи қуйидагиларга мажбур:

Истеъмолчига энергияни электр тармоғи орқали электр тармоқларининг балансе бўйича мансублик бўлиниш чегарасигача Шартномада кўрсатилган ҳажмда мунгазам етказиб бериш;

ускуналар, электр узатиш линияларини, ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш, уларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, шунингдек, ўз электр хўжалиги объектларидаги носозликларни бартараф қилиш;

электр хўжалиги объектларини таъмирлаш билан боғлиқ электр таъминотидаги қутилаётган узилишлар тўғрисида уч кундан кечикмасдан огоҳлантириш;

Истеъмолчини электр энергиясини етказиб берилиши тўхтатилиши ва тўхтатилиш сабаблари тўғрисида хабардор қилиш;

қиритилаётган чеклашлар тўғрисида, чеклашларни ҳажми ва вақти кўрсатилган ҳолда олдиндан хабар бериш;

электр энергияси тўлиқ етказиб берилмаганлиги ёки электр таъминотидаги бошқа бузилишлар тўғрисидаги Истеъмолчининг аризасини, ариза олинган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмай кўриб чиқиш, бартараф этиш ва бағавсил жавоб юбориш;

Истеъмолчига ўрнатилган тартибда етказиб берилган энергия ҳисобини юритиш;

Истеъмолчининг белгиланган тартибда қиритилган тақлифларига мувофиқ, ўн кун муддатда электр энергиянинг ойдик шартномавий ҳажмига ўзгартиришлар киритиш, электр энергиянинг ойдик шартномавий микдорини қўлайтириш (камайтириш) мумкин бўлмаган тақдирда – истеъмолчига бу ҳақда, рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда хабар қилиш;

Истеъмолчида ўрнатилган ҳисобга олиш приборларини алмаштириш, ўрнатиш ва техник хизмат кўрсатиши, шунингдек Бюро билан бирга пломбалашни таъминлаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартига мувофиқ бўлган электр энергиясини етказиб бериш.
Етказиб берувчи қонунчиликка мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

V. Томонларнинг жавобгарлиги.

5.1. Электр таъминоти шартномаси бўйича тарафлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгар бўлади шунингдек, шартнома шартлари бажарилмаган ёки тегишли тарзда бажарилмаган ҳолларда, Етказиб берувчи бунинг натижасида етказилган зарарни қоплашга, Истеъмолчи эса етказилган ҳақиқий зарарни қоплашга мажбур.

Мазкур шартномада, унинг шартларини бажарилмаслик ҳолатлари юзасидан жавобгарлик белгиланмаган бўлса, Етказиб берувчи ёки Истеъмолчи томонидан бажарилмаган шартлар учун жавобгарлик **Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонун талаблари бўйича** кўриб чиқилади.

5.2. Етказиб берувчи Истеъмолчи олдида моддий жавобгар бўлмайди агар:

Истеъмолчи электр энергияси истеъмолчининг белгиланган режимга риоя қилмай, электр энергияси истеъмоли ёки қувватининг шартномавий микдоридан ошиб кетишига йўл қўйганда, худудий электр тармоқлари қорхонаси томонидан белгиланган электр энергияси чеклаш жадвали бажарилмагани туфайли паст сифатли электр энергияси етказиб берилганлиги учун;

захира манбаи автоматик ишга тушганда, автоматик қайта улаш ва автоматик тарзда частотани созлаш билан боғлиқ ўчиришлар вақтида электр энергиясини етказиб бериш борасидаги танаффуслар учун;

ягона энергетика тизимида қувват танқислиги оқибатида келиб чиқиши мумкин бўлган аварияларни олдини олиш юзасидан тармоқларни автоматик тарзда (УОН, АНР) ва бошқа ўчиришлар ҳисобига содир бўлиб, энергияни етказиб беришдаги танаффуслар юзага келганда;

оммавий ахборот воситалари (газета, радио, телевидения, интернет веб сайт ва ижтимоий тармоқлар) орқали электр энергияси етказиб беришдаги узилишлар тўғрисида хабар ва эълонлар берилганда.

5.3. Мазкур шартномани бажариш жараёнида юзага келадиган барча келишимчилик ва низолар музокара ўтказиш орқали ҳал қилинади. Келишимчиликларни музокара ўтказиш орқали ҳал қилишнинг иложи бўлмаганда, улар Наманган туманлараро Иқтисодий суди тартибида ҳал қилинади.

VI. Коррупцияга қарши қурашиш талаблари.

6.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши қураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қондаларга оид шартларни ва талабларни тadbик этилишини ифода қилиш ва қафолатмайди.

6.2. "Истеъмолчи" "Етказиб берувчи"га мазкур шартнома доирасида қуйидагиларни қафолатмайди ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вақиллари), истеъмолчи манфаатлари учун агент ёки вақил сифатида ҳаракат қилиб, "Етказиб берувчи"нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қондаларига қатъий риоя қилади.

VII. Форс-мажор ҳолатлар.

7.1. Ҳар икки томон ҳам қуйидаги ҳолатларда мажбуриятларни бажарилмаганлик учун жавобгарликка тортилмайди:

- Етказиб берувчи Истеъмолчини Бюро кўрсатмасига асосан электр энергиясидан узиладан;
- агарда табиий офат, сувтошқини, ёнгин, зилзила ва бошқалар оқибатида юз берса ёки ентиб бўлмайдиган фавкулотда авария ҳолатлари юзага келганда;

- Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва бошқа қонунни белгилловчи ташкилотлар қарорига асосан электр энергияни етказиб бериш ва таъминлаш механизми ва тартибига ўзгартириш киритилган ҳолларда.

7.2. Қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳолатлар ҳам назарда тутилиши мумкин.

VIII. Яқуний қоидалар.

8.1. Шартнома 2022 йил 31 декабрда бўлган муддатга тузилади.

Шартномага киритилган ўзгаришлар жорий ойда қўлланилмайди, ва кейинги ойдан қучга қиради.

Шартноманинг амал қилиш муддати тугаганда, томонлардан бири уни узайтириш ёки бекор қилиш бўйича ариза бермаган бўлса, шартнома кейинги ҳар бир йилга узайтирилган ҳисобланади (Бюджет ташкилотлари бундан мустасно). Ариза ушбу Шартноманинг амал қилиш муддати тугашидан бир ой олдин тақдим этилиши лозим.

8.2. Мазкур шартнома бир хил юридик қучга эга бўлган ва томонларнинг ҳар бирида сақланаётган икки (Бюджет ташкилотлари учун уч) нусхада тузилади. Шартноманинг иловалари унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

8.3. Томонлардан бирининг ташаббуси билан Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш, иккинчи томонни бекор қилиш муддатидан ўттиз кун олдин хабардор қилган ҳолда ва томонлар ўзаро ҳисоб-китоб қилиши шартли билан бекор қилиниши мумкин. Бекор қилиш тўғрисида хабарнома ёзма равишда юборилади.

8.4. Барча ўзгаришчи ва қўшимчалар, агар улар фақат ёзма равишда амалга оширилиб, томонларнинг ваколатли шахслар томонидан имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

8.5. Шартнома лойиҳаси талабларида назарда тутилмаган тартиб-қоидалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуни талаблари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 январда 22-сонли қарори билан тасдиқланган "Электр энергиясидан фойдаланиш қоидалари" ҳамда Бошқа амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига мувофиқ тартибга солинади.

IX. Томонларнинг манзиллари ва банк реқвизитлари.

Истеъмолчи: Наманган шаҳар Ободон-лаштириш бошқармаси

Юридик манзили Наманган шаҳар Оромгоҳ кўчаси 3 уй

Почта манзили Оромгоҳ кўчаси 3 уй

Ҳисоб рақами 23402000300100001010

Банк коди (МФО) 00014 (ИНН) 200048883

Истеъмолчининг юридик манзили бўйича Кадастр рақами

Маҳалла номи Мингчинор МФЙ

Ресублика ва маҳаллий бюджетдан молиялаштирилган Истеъмолчилар учун

Бюджет фонднинг ҳисоб рақами 100022860144017064100110001

Банк коди (МФО) 00014 (ИНН) 201122919

Бюджет фонднинг ҳисоб рақами

Банк коди (МФО) _____ (ИНН) _____

Телефонлар: **69-234-27-69** Факс: _____

«Истеъмолчи» телефон рақамлари, шу жумладан унинг раҳбарини уяли телефони кўрсатилади)

Статистик кодлар:

ОКЭД _____

СООГУ _____

СОАТО _____

КФС _____

КОПФ _____

ОКПО _____

Етказиб берувчи: "Наманган ХЭТК" АЖ "Давлатобод" электр корхонаси

Ҳисоб рақами 22630000005100583382

Банк коди (МФО) 00224 (ИНН) 200048685

Телефонлар: **69-228-79-04** Факс: _____

Статистик кодлар:

ДНБЕТ (СООГУ) АТ 01013

МИОБТ (СОАТО) АТ 1714401

Етказиб берувчи вақидин

(Имзо, Ф.И.Ш., сана)

М.Ў.

Истеъмолчи

(Имзо, Ф.И.Ш., сана)

М.Ў.



электр таъминоти шартномасига I - илова

Етказиб берилган энергия ҳажми

1. Тариф гуруҳи II
2. Фаолият тури бюджет
3. "Истеъмолчи" электр қурилмаларининг уланган қуввати: 100 кВА(кВт)
4. Техник шарт бўйича руҳсат берилган қувват 120 кВт
5. Электр таъминоти ишончилиги бўйича тоифаси (лоийиха бўйича) _____
6. Ҳисоб-китоб тури: 1 ставка

табақалаштирилган бир ставкали ёки 08.11.2017 йилдан ПК-3379 нинг руйхатида кўрсатилган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва айрим хизматлар кўрсатувчи ҳамда Ўз.РВМнинг 09.12.2019 йилдаги 979-сонли қарори бўйича фаолият юритадиган истеъмолчилар (кераклиги ёзилсин)

Йил, жами	Энергия ҳажми минг. кВт.с	Шу жумладан, тариф гуруҳлари бўйича	
Январ	60 000		
Феврал	60 000		
Март	60 000		
Апрел			
Май			
Июн			
Июл			
Август			
Сентябр			
Октябр			
Ноябр			
Декабр			

Ташкилот кунига ишлайди 10 соат, ойга 30 кун

Умумий юкга нисбатдан сменалар бўйича юкланиш % I _____, II _____, III _____



Томонлар электр тармоқларининг баланс мансублиги ва эксплуатация қилиш бўйича масъуллиқ чегараси

ДА.ЛОЛАТНОМАСИ

1. "Истеъмолчи"нинг балансида куйидаги электр қурилмалар мавжуд:

а) хаво линиялари _____

б) кабель линиялари _____

в) подстанциялар, трансформатор подстанциялари _____

2. Истеъмолчи ва Корхона ўртасидаги электр тармоқларининг баланс бўйича мансублиқ чегараси МС 35/6 кВ "Добро табақ" р/и

қушқон б.б.в "Динотек" д/и 0,4 кВ таъмо-қидим олди

3. Улардан куйидагиларга:

а) _____

б) _____

Истеъмолчи билан тузилган шартнома асосида электр таъминоти корхонаси ходим-лари томонидан хизмат кўрсатилади.

4. Электр қурилмаларининг ҳолати ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича жавобгарлик чегараси куйидагича белгиланди:

Чегара муқимасурен
Боенкаб Бирга да-қурулмадариға
Истеъмолчи томонидан

Вакиллар:

Истеъмолчи

(имзо) (Ф.И.Ш.)

М.У.



Асаф (Ф.И.Ш.) М.У.

Етказиб берувчи

(имзо)



Имзолар:

Истеъмолчи:

М.У. (Имзо)



А.Милло (Имзо) М.У. (Имзо)

Энергияни йўқолишларини аниқлаш бўйича ДА.ЛОЛАТНОМА

Энергия ҳисобга олиш приборлари электр тармоқларининг баланс бўйича мансублиқ чегарасида ўрнатилмаганда, электр тармоқларининг баланс бўйича мансублиги чегараси ҳисобга олинган ҳолда мансублиқ чегарасидан ҳисобга олиш прибори ўрнатилган жойгача бўлган қисми ҳисоблаш йўли билан аниқланади ва куйидагиларга ҳисобланади:

а) Қуввати _____ кВА бўлган трансформаторлардаги ойлик актив энергиянинг йўқолишлари _____ кВт.соат ёки _____ %, реактив энергия йўқолишлари _____ кВАр.соат ёки _____ % ташкил этади;

б) Истеъмолчининг кабель линияларидаги ҳар ойлик энергияни йўқотиш:

Узунлиги _____ м;

Қесим юзаси _____ мм²;

Русуми _____;

Қучланиши _____ кВ бўлса, _____ кВт.соатни, ёки _____ % ташкил этади;

в) Истеъмолчининг хаво линияларидаги ҳар ойлик энергия йўқолишлари:

Узунлиги _____ м;

Қесим юзаси _____ мм²;

Русуми _____;

Қучланиши _____ кВ бўлса, _____ кВт.соатни, ёки _____ % ташкил этади.

Ушбу Шартноманинг 3.8 бандига асосан юқорида кўрсатилган энергия йўқолишлари Истеъмолчининг ҳар ҳисоб-китоб даври учун, ҳисоб-китоб давридаги амалдаги энергия истеъмолидан ва I-иловада кўрсатилган ишлаш тартибидан аниқланади.

Корхонанинг электр тармоқлари ва уйлارнинг ички электр тармоқларининг бўлиниш чегарасидан умумий мулк ҳисобланадиган ушбу тармоқлардан таъминланадиган маиший истеъмолчиларнинг электр энергиясини ҳисобга олиш приборларига бўлган электр тармоқларидаги электр энергияси йўқотишлари ҳисоб-китоб қилиш йўли билан аниқланади ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари ёки коммунал-эксплуатация ташкилотлари истеъмолига қаратилди

Вакиллар:

Истеъмолчи

(имзо) (Ф.И.Ш.)

М.У.



Асаф (Ф.И.Ш.) М.У.

Етказиб берувчи

(имзо)

Имзолар:

Истеъмолчи:

М.У. (Имзо)



А.Милло (Имзо) М.У. (Имзо)

Компенсация қурилмаларининг ишлаш режими

1. Компенсация қурилмаларининг белгиланган қуввати

Т/р №	Компенсация қурилмаларининг турлари	Қуввати	Уланиш вақти		Жами
			Эргалаб	Кечкурун	
1.	Конденсаторлар, кВАр 1000 Вгача 1000 Вдан юқори, жумладан:				
1.1.	Автоматик бошқариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори,				
1.2.	Қўлда бошқариладиган: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори,				
2.	Синхрон двигателлар - (СД), кВт				
3.	СДнинг реактив қуввати, кВАр (СДнинг ўрнатилган қувватининг 30 фонзи, кВт)				
4.	Жами (16.+36.) кВАр: 1000 Вгача 1000 Вдан юқори.				

ИЗОХ: авторежимда ишлайдиган конденсатор қурилмалари билан жиҳозланган таъкилотлар уланиш вақтларини тўлдирини шарт эмас.

2. Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори

Йил, ой	Реактив энергиянинг иқтисодий миқдори (кВАр.соат)	Шу жумладан тариф гуруҳлари бўйича	
Январь			
Февраль			
Март			
Апрель			
Май			
Июнь			
Июль			
Август			
Сентябрь			
Октябрь			
Ноябрь			
Декабрь			

Реактив энергиянинг хар бир ҳисобот даври учун иқтисодий киймати, ушбу Шартномада кўрсатилган ва ўрнатилган тартибда аниқланадиган қувват коэффициентининг оптимал миқдори ҳисобга олиниб, ушбу давр учун актив энергиянинг шартномадаги миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Ҳисобот даврининг якуни бўйича реактив энергия иқтисодий кийматининг амалдаги миқдори истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Тарифга устама қўшилган киймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда фаол энергиянинг амалдаги тарифи бўйича:

5% - реактив энергиядан иқтисодий киймат доғрасида фойдаланилганда, бу амалда истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

10% - реактив энергиядан иқтисодий киймат миқдоридан ортиқ фойдаланилганда, бу амалда истеъмол қилинган актив энергия ва қувват коэффициентининг шартномавий миқдоридан келиб чиққан ҳолда аниқланади;

Реактив энергия компенсацияси учун электр энергияси тарифига устамалар жарима санкцияси ҳисобланмайди ва электр таъминоти шартномасига асосан ундирилади.

Реактив энергия ўрни старлича тўлдирилмаслиги ҳисобига қувват коэффициентининг норматив қиймати Истеъмолчи томондан кўлаб-қуватланмаслиги аниқланганда, худудий электр армоқлари корхонаси томондан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда актив электр энергия ўқолиши қийматининг техник-иктисодий ҳисоб-китоблари амалга оширилади, шунингдек, қувват коэффициентини кўрсаткичлари белгиланган нормативларга нисбатан пасайтирилганлиги учун Истеъмолчилардан қўшимча маблағлар ундирилади.

Бунда ҳисоб-китоблар ва қўшимча маблағни ундириш ҳисоб-китоб даврида Шартномада ўрсатилганига нисбатан Истеъмолчи томондан қувват коэффициентининг амалдаги қийматини пасайтиришга йўл қўйилганлиги тўғрисида "Ўзэнергоспеция"нинг тасдиқловчи бўлганда амалга оширилади.

Тариф чегирмалар истеъмолчи ягона электр тизими тармоғида электр тармоғининг қатта юкламали соатларида реактив энергия ҳосил қилганда ва электр тармоғининг кичик юкламали соатларида энергия тизими тармоғидан реактив энергия истеъмол қилинганда, агар Истеъмолчининг ундай режимда ишлаш зарурати Шартномада кўрсатилган бўлса, тақдим этилади.

Чегирма қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолда актив энергия учун амалдаги тарифнинг 15% миқдоридан белгиланади.

Истеъмолчи:



М.Ў.М.У.

Етказиб берувчи



Авариявий ва технологик бронни аниқлаш бўйича

ДА-ЛОЛАТНОМА

Истеъмолчининг _____ иштирокида тузилди.

Ягона электр энергетикаси тизимида узок муддатли ёки қисқа муддатли қувват танқислиги юзага келганда Истеъмолчи қуйидагиларни бажариши керак:

1. Ускуна юкламасини технологик брон даражасига пасайтириш:

Т/р №	Технологик бронга тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изох
1.			
2.			
3.			
4.			

Жами: _____ кВт

*а) Барча цехлар ва агрегатлар зудлик билан ўчирилади. Ўчирилши яроқсиз маҳсулот ишлаб чиқарилши. ускунанинг бузилши, портлаш, ёнгин, заҳарланиши ва бошқа бахтеиз ҳодисаларга олиб келувши цехлар ва агрегатлар бундан мустасно.

б) Технологик бронга шунингдек авария брониса тааллуқли цехлар ва агрегатлар ҳам кирди (2-бандга қарас.)

Технологик бронни чеклаш босқичлари:

- I босқич _____ кВт
- II босқич _____ кВт
- III босқич _____ кВт
- IV босқич _____ кВт

2. _____ ўтганидан кейин цехлар ва агрегатлар авария бронни даражасига узиб қуйилади.

Т/р №	Авария бронга тааллуқли цехлар ва агрегатлар номи*	Ишда қолдирилган юкламалар қуввати (кВт)	Изох
1.			
2.			
3.			

Электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, Хужжат коди: FS71371830

4. _____
Жами: _____ кВт

* а) Үчирлиши сув таъминоти, алоқа воситалари ишнинг тўхташига, иситиш тизимининг музлаб қолишига олиб келувчи ҳаётда қўриқлаш ёриткичлари юкланиш остида қолдирилади.

б) Ёнгинга қарши захира насослар ва бошқа ёнгинга қарши агрегатлар авария броньга қирмайдн (ушиб агрегатлар заруратга қараб, олдиндан Корхона билан келишилган ҳолда рўйхатга киритилгани мумкин).

Имзолар:



Истеъмолчи:

М.Ў.

Етказиб берувчи

М.Ў. (Имзо)

2022 йил 6 январь № 15603413 шартнома

(хизмат тури)

абонент 324

Ойлар	Микдори	Суммаси (сум)	Ойлар	Микдори	Суммаси (сум)
Январ	60 000	27 000 000	Июл	-	-
Феврал	60 000	27 000 000	Август	-	-
Март	60 000	27 000 000	Сентябр	-	-
1-чорак	180 000	81 000 000	3-чорак	-	-
Апрел	-	-	Октябр	-	-
Май	-	-	Ноябр	-	-
Июн	-	-	Декабр	-	-
2-чорак	-	-	4-чорак	-	-
Йиллик				180 000	81 000 000

180 000 81 000 000



Етказиб берувчи

Мухр, имзо



Истеъмолчи

**Namangan shahar Obodonlashtirish boshqarmasi va
“Namangan HETK” AJ “Davlatobod” elektr korxonasi” o’rtasida
tuzilayotgan shartnoma loyihasining qonunchilikka muvofiqligi yuzasidan**

XULOSA №_ES71371830

2022 yil 06 yanvar

Namangan shahri.

Men Namangan shahar yuridik xizmatlar ko’rsatish markazi bosh yuriskonsul’ti Xakimov Iqboljom, Namangan shahar obodonlashtirish boshqarmasi va “Namangan HETK” AJ “Davlatobod” elektr korxonasi” o’rtasida tayyorlangan shartnoma loyihasining qonunchilik talablariga muvofiqligini o’rganib chiqib quyidagilarni,

ANIQLADIM:

Namangan shahar obodonlashtirish boshqarmasi va “Namangan HETK” AJ “Davlatobod” elektr korxonasi” o’rtasida elektr energiyasi yetksiz berish uchun 81 000 000,0 (sakson bir million) so’mga tayyorlangan shartnoma loyihasini rasmiylashtirish uchun asos bo’ladigan O’zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi 382, 383, 384-sonli moddalari, «Xo’jalik yurituvchi sub’ektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to’g’risida»gi va «Davlat haridlari to’grisida»gi Qonunlari talablariga hamda “Halq deputatlari Namangan shahar kengashi”ning 2021 yil 22 iyuldagi VI-31-32-6-91-K/21-sonli qaroriga asoslanib,

XULOSA QILAMAN:

Taraflar o’rtasida tuzilayotgan shartnoma loyihasi qonunchilik doirasida amalga oshirilayotgan bo’lib, uni taraflar tomonidan tegishli tartibda rasmiylashtirishlari mumkinligi, lekin kelgusida tuziladigan shartnomalar avvalgi yildagi haqiqatdagi istemoldan kelib chiqqan holfa tuzilishi (hukumatning alohida tasmiy topshiriqlaridan tashqari) hamda yil davomida o’zgarishlarziz amal qilishini ta’minlash zarurligi tavsiya etiladi.

Markaz bosh yuriskonsulti



I.Xakinov

2022-yil 06 - yanvar